O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
"O'ZSUVTA'MINOT"
AKSIYADORLIK JAMIYATI
"FARG'ONA SUV TA'MINOTI"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
№ 01-10/272
20 21 y "16" ноябр
150100, Farg'ona shahar
Sh. Rashidov k-si 5-uy.

**"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК" УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи. А.Умурзақовга**

## Т е х н и к ш а р т

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 2 ноябр кунги Раёсат мажлисининг 159-сонли баёнининг 3-иловасида Данғара тумани "Чинобод 2" КСЗ ни ичимлик суви билан таъминлаш ва марказлашган окава сув тизимига улаш буйича курилиш монтаж ишлари олиб бориш юзасидан "Узсувтаъминот" АЖ "Сув таъминоти ва окава сув объектлари курилиши буйича худудий бошкармаси бошлиғи А.Умирзаковнинг 2021 йил 4 ноябрдаги 450-сонли хатига асосан қуйидаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

### И ч и м л и к с у в б ў й и ч а

Данғара тумани **"Чинобод 2"** КСЗ ни ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан урганиб чикилганда ичимлик суви сарфи 40,0 м3/соат ичимлик суви билан таъминлаш учун "Фаргона сув таъминоти" МЧЖ Данғара тумани булими тасарруфидаги марказлашган ичимлик сув тармоги йуклиги сабабли ушбу худудга 1 (бир) дона диаметри 219 ммли ичимлик тик сув қудуғи қазиш, 1 (бир) дона замонавий электр тежамкор "Вило" 8-40/90 сув насоси ўрнатиш, 1 (бир) дона лойиха асосида ТП (трансфарматор) ўрнатиш ва электр хаво линиясини тортиш, 1 (бир) дона электр бошқарув ускунаси ўрнатиш, 1(бир)дона замонавий электр хисоблагич урнатиш, 1(бир)дона замонавий сув хисоблагич ўрнатиш, 1 (бир) дона баландлиги 20 метр булган 25 м3 ли сув сигими ўрнатиш ва унга мос автоматик ўчириб ёқиш мосламаси (Поплавок) ўрнатиш, 1(бир)дона ичимлик сувини зарарсизлантириш ускунаси урнатиш, хамда узунлиги 0,5 км SDR17 турдаги полиэтилен 6.0 (АТМ) босимли ичимлик сув қувури лойиха асосида замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда иншоот худуди ўралиши ва замонавий ёритгич чироқлари билан таъминланиши шарт.

### О қ а в а с у в б ў й и ч а:

Данғара туманида ташкил этилаётган **"Чинобод 2"** КСЗ ни оқава суви тизимлари билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** ушбу худудда оқава сув тизимлари мавжуд эмаслигини инобатга олиб лойиха асосида лойихавий қуввати аниқланиб 1 дона оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ва 1,0 км

оқава сув тармоғи тортиш ишларини ШНҚ, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Данғара туманида **“Чинобод 2” КСЗ** худудида ичимлик ва оқава сув тармоқларини қуриш ва монтаж қилиш даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

**Буюртмачи** томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан ичимлик ва оқава сув объектлари буйича ишлаб чикилган лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бош мухандиси билан келишилиб,1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти”МЧЖ**
**Бош мухандиси:** **И.Абдуллаев**